

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 30 октябрь • № 40 (1321)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-этиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш

ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги бошқичларини белгилаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони мувофиқ:

1. Қуйидагилар:
а) **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

б) **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 2-иловага мувофиқ;
в) **2020-2030 йилларда**

ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари (кейинги ўринларда – Асосий йўналишлар) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, **Асосий йўналишлар** қуйидагиларни назарда тутди:

а) таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш соҳасида:

2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида амалдаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳудудларини кенгайтириш ёки янги қуриладиган муассасалар ҳисобига ўзбек тили гуруҳлар қамровини **72 фоизга**, 2030 йилгача эса **80 фоизга** етказиш;

2030 йилга қадар умумтаълим мактабларида ўқув йиллари учун таянч ўқув режаларида ўзбек тили фанини ўқитиш кўламини амалдаги ҳафтада **84 соатдан 110 соатгача** ошириш;

олий таълим муассасаларида ўзбек тили кафедралари сонини 2025 йилга қадар **120 тага**, 2030 йилгача эса **140 тага** етказиш;

б) давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш соҳасида:

лотин ёзувига асосланган

ўзбек алифбосида “**Ўзбекистон миллий қомуси**” жилдларини нашр этишни бошқичма-бошқич кўпайтириб бориш;

2020 йилда ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи **15 та** лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратиш;

телерадиоканаллар суҳандон-бошловчиларининг ўзбек адабий тилидаги нутқ маданиятини оширувчи **қайта тайёрлов курсларида ўқитиш** тизимини жорий этиш ва қамровни 2030 йилгача **100 фоизга** етказиш;

в) давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувини таъминлаш соҳасида:

2025 йилга қадар давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун **14 та** онлайн дастур ишлаб чиқиш, 2030 йилгача эса ушбу кўрсаткични **25 тага** етказиш;

дастурий маҳсулотларнинг **ўзбекча иловалари** ва электрон луғат дастурларини яратиш;

ҳорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи дастурлар яратиш;

г) давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривож-

лантириш соҳасида:

2030 йилга қадар хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини амалдаги **17 тадан 60 тага** кўпайтириш;

2025 йилга қадар “Ўзбек тилининг дўстлари” клублари сонини **30 тага**, 2030 йилгача эса **40 тага** етказиш;

хорижий олий таълим муассасаларида **ўзбек тили курсларини** зарур илмий, ўқув-услубий, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий тадқиқотлар миқдорини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) уч ой муддатда лотин ёзувига асосланган **ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишни** - таъминлаш мақсадида **ишчи гуруҳини ташкил қилсин** ва аниқ чора-тадбирлар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини назарда тутувчи “**Йўл харитаси**”ни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида **раҳбар**

(Давоми 3-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ЯНГИ ҚОНУННИ ИМЗОЛАДИ

Наркологик касалликдан мажбурий даволаниш фақат суд қарори асосида қўлланади, бунда фуқаро бир йил ичида маст ҳолатда ёки гиёҳванд модда таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши керак.

Президент Шавкат Мирзиёев “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонунни имзолади.

Қонунга мувофиқ, аҳолига наркологик ёрдам давлат наркология муассасалари ёки лицензияга эга бўлган хусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилади. Наркологик касалликка чалинган шахсни даволаш унинг ёки қонуний вакилининг ёзма розилиги олинганидан кейин амалга оширилади (мажбурий даволаш назарда тутилган ҳолатлардан ташқари). Шахсни мажбурий даволашга муҳтож, деб топиш наркология диспансерлари тар-

кибидаги ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади. Мажбурий даволаш суд қарори асосида қўлланади. Мажбурий даволашнинг давомийлиги шахс даволаш учун жойлаштирилган кундан эътиборан 5 кунлик муддатда наркология муассасасининг тиббий комиссияси томонидан белгиланиб, давомийлиги 18 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Мажбурий даволанишда бўлиши даврида шахсларни даволаш мақсадида уларга меҳнат терапияси қўлланиши мумкин.

Мажбурий даволаниб чиққан шахсларни ишга жойлаштириш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ички ишлар органла-

ри, меҳнат органлари ҳамда наркология муассасалари зиммасига юклатилади.

Қонунга кўра, давлат:

- **психоактив моддалардан ўткир заҳарланиш натижасидаги психозлар чоғида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишини;**
- **амбулатория ва стационар шароитларда маслаҳат бериш-ташхис қўйилишини, даволашни, психопрофилактик, реабилитация, ижтимоий ёрдам кўрсатилишини кафолатлайди.**

Қонун кучга киргач, “Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги Қонун ўз кучини йўқотади.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга қиради.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати.

САМАРҚАНДА 8 НАФАР ТИББИЁТ ХОДИМГА 1 МЛРД. 136 МЛН. СЎМ ТЎЛАНГАН

Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари О.Оқбўтаев иштирокида ўтказилган брифингда маълум қилинишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли фармонига асосан пандемия даврида инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 112 млрд. сўм маблағ коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирлари билан боғлиқ харажатлар учун ажратилди.

Жумладан, вилоятдаги тиббиёт ва санитария ва эпидемиология хизмати ходимлари:

- **ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдоридан ҳар кунлик қўшимча тўловлар учун 3 935 нафар ходимларга 17 млрд. 36 млн. сўм;**

- **14 кунлик фаолият даври учун белгиланган 5 млн. дан - 25 млн. сўмгача бўлган махсус рағбатлантириш тўловлари учун 1547 нафар ходимга 37 млрд. 408 млн. сўм миқдоридан маблағлар тўлаб берилди.**

Беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юқтириб олган 8 нафар тиббиёт ходимига тўланган бир марталик махсус тўловлар (100 млн. сўмдан) 1 млрд 136 млн сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимининг қўшимча маблағлари ҳисобидан доридармон захирасини яратиш, тиббий ускуналар ва тез ёрдам автомашиналари харид қилиш учун 21 млрд 907 млн. сўм сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

**ҲАРБИЙ ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ СИФАТ
ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатда аҳоли соғлиғини сақлаш ва яхшилашни таъминлайдиган самарали соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида босқич-ма-босқич миллий тиббий таълимни модернизациялаш, мазкур соҳага халқаро таълим стандартлари ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, аҳоли соғлиғини сақлашнинг долзарб муаммолари юзасидан илмий тадқиқотларни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амал-

га оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳарбий тиббиёт тизимида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга тўққинлик қилаётган бир қанча муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, ҳарбий тиббиёт мутахассисларининг узлуксиз касбий тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, кўникмаларини замонавий талабларга мослаштиришнинг амалий тизими жорий қилинмаган;

иккинчидан, ўқув жараёнида инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланишнинг паст даражада эканлиги оқибатида ҳарбий-тиббий кадрларни тайёрлаш ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари

рига самарали тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тизимига замонавий усул ва ёндашувларни татбиқ қилиш имкони мавжуд эмас;

учинчидан, фавқулудда ҳолатлар (вазиятлар) оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган ва ушбу йўналишда ташкилий-профилактика ишларни олиб борадиган юқори малакали ҳарбий тиббиёт мутахассисларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, улар учун узлуксиз, босқичма-босқич ва мақсадли ўқитиш тизимини яратиш ҳамда ҳарбий-тиббий соҳада таълим, фан ва

амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети негизда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг юридик шахс мақомига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси (кейинги ўринларда – Академия) ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Академиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар учун ҳарбий тиббиёт соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш;

тиббиёт соҳасида тор мутахассисларни, илмий-педагогик кадрларни ҳамда захира ва резервдаги тиббиёт хизмати офицерларини тайёрлаш;

таълим жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик ва инновацион тиббиёт технологиялари, замонавий ўқув дастурлари ва ўқув-усlubий ёндашувларни кенг жорий этиш;

ҳарбий тиббиёт амалиётида мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

миллий ва хорижий етакчи олий, олий ҳарбий таълим (Давоми 3-бетда).

**ЎЗБЕКИСТОН РАИСЛИГИДА МДХ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА
ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ
НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича Кенгашининг 32-йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов раислигида ўтган йиғилишда Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Молдова ва Арманистон давлатларининг соғлиқни сақлаш вазирлари ва соҳа мутасаддилари, шунингдек, МДХ ижроия кўмитаси вакиллари, ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси раҳбари Ханс Клюге иштирок этди.

Шунингдек, видеоконференцияда Ўзбекистон томонидан мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари ҳам қатнашди.

“Таъкидлаш жоизки, Кенгашининг бу йилги барча йиғилишлари Ўзбекистон раислигида ўтмоқда. Бугунги конференцияда МДХ давлатлари ўртасида Covid-19’га қарши кураш бўйича биргаликда ҳаракатланиш режалари, ҳамдўстлик ҳудудида санитария муҳофазаси муаммолари, МДХ давлатларининг қандли диабет касаллиги бўйича Эксперт кенгашининг фаолияти ва бошқа

муҳим масалалар муҳокама қилинди”, дейилади хабарда.

Кенгашнинг 32-йиғилишида ҳамдўстлик давлатларининг соғлиқни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорлиги доирасида қатор муҳим қарорлар қабул қилинган. Жумладан:

- Covid-19’нинг тарқалиши олдини олиш бўйича умумий ёндашушни ишлаб чиқиш, касалланган беморларни даволаш ва реабилитация қилиш, илмий тажрибалар, дори воситалари ва вакциналарни яратишдаги ютуқлар бўйича ўзаро маълумот алмашиш;

- Кенгашга 2020 йил 25 декабрга қадар МДХ давлатларида ўткир респиратор инфекциялари ва грипп билан касалланишнинг мавсумий ўсиши ва аҳоли иммунитетининг ҳолати тўғрисида таҳлилий маълумотларни тақдим этиш;

- МДХ давлатларининг 2030 йилга қадар мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегияси доирасида тиббиёт бўйича белгиланган дастурларни ишлаб чиқиш;

- 2020-2024 йилларда онкологик касалликларга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик Концепциясини амалга ошириш



бўйича ҳамкорлик қилиш;

- Кенгашнинг навбатдаги йиғилишида МДХ ва Евроосиё онкология ва рентген радиологияси марказлари ҳамда институтлари директорлари ассоциацияси фаолиятини янада кенгайтириш;

- Ноинфекцион касалликларнинг олдини олиш доирасида зарарли озиқ-овқат маҳсулотлари маркетингини чеклаш бўйича идоралараро ҳамкорлик тажрибасини кўриб чиқиш;

- Ҳамдўстлик давлатлари соғлиқни сақлаш тизимларида АКТ ни кенг жорий этиш бўйича тажриба алмашиш;

- 2021 йилда МДХ ташкил топганининг 30 йиллиги арафасида Беларусь Республикаси ва Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган

30дан ортиқ тадбирларда соғлиқни сақлаш вазирликларининг фаол иштирокини таъминлаш;

- 2020 йил давомида Кенгашнинг Ўзбекистон раислигида ўтган фаолияти якунлари бўйича натижаларни сарҳисоб қилиш каби муҳим масалалар кун тартибида кўриб чиқилди.

Видеоконференция якунида 2021 йилги режалар кўриб чиқилиб, Кенгашнинг кейинги 33-йиғилишида муҳокама қилинадиган масалалар белгилаб олинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Ўзбекистон бўйича 700 дан ортиқ кишлоқ врачлик пунктлари қайтадан ташкил этилади. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларида давлат дастурининг 9 ойлик ижроси юзасидан бўлиб ўтган муҳокама жараёнида Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов маълум қилди, деб хабар беради “Kun.uz”.

**700 ДАН ОРТИҚ
ҚВП ҚАЙТА
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ**

Маълум қилинишича, давлат дастури муҳокамаида депутатлар олис ҳудудлардаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш масаласида кўплаб эътирозлар бўлаётгани ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан савол берган.

Алишер Шодмоновнинг сўзларига кўра, юқоридаги каби эътирозлар таҳлил этилиб, ҳудудлар кесимидаги ўрганишлар натижасидан келиб чиққан ҳолда республика бўйича 700 дан ортиқ кишлоқ врачлик пункти қайтадан ташкил этиш режалаштирилган. Вазирнинг сўзларига кўра, бу масалада Президент Администрацияга таклиф киритилган.

Эслатиб ўтамай, Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, кишлоқ-врачлик пунктлари сонини 2985 тадан 1612 тагача қисқартириш ва 793 та ҚВП негизда кундузги стационари мавжуд бўлган кишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари шу кунларда Давлат дастурининг 9 ойлик ижросини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Фракциялар йиғилишида айнан ижтимоий масалаларга кенгрок эътибор қаратилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистонга COVID-19’га қарши курашиш мақсадлари учун 7 тонна инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

Ўзбекистоннинг Абу-Дабидаги элчихонаси берган маълумотга кўра, гуманитар юк тар-

кибига ўпкани сунъий шамоллатиш воситалари, кислород концентраторлари, ПЗР-лабораториялари ва экспресс тест-тизимлар ҳамда ёрдамчи тиббий асбоб-ускуналар киритилган.

Тиббий юк Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик

осойишталик агентлигига мамлакатимизнинг барча минтақаларида тарқатиш учун топширилади.

БАА Ўзбекистонга COVID-19 тарқалишига қарши курашиш учун мўлжалланган тиббий маҳсулотларни тўртинчи бор тақдим этди. Пандемия бошланганидан буён мамлакатга 51 тонна инсон-

парварлик ёрдами етказиб берилди.

Кўрсатилган бу каби инсонпарварлик ёрдами халқимизни коронавирус инфекциясидан тезроқ халос бўлишига замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ
СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланади ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража **сертификатлари** жорий этилади;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги **Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида** ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш бўйича **қисқа муддатли** (1-2 ойгача) ўқув курслари мунтазам равишда ташкил этилади.

Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзбек тилидаги мавжуд луғатлар асосида узлуксиз таълимнинг барча турлари учун қуйидаги ўқув луғатларини яратиш чораларини кўрсин, шу жумладан:

кўп жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг тўлдирилган янги нашри (кирилл ва лотин ёзуви асослан-

(Давоми. Боши
1-бетда).

ган ўзбек алифбосида);

“Ўзбек тилининг имло луғати”;

“Ўзбек тили синонимлари луғати”;

“Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати”;

“Ўзбек тили фразеологизмларининг катта изоҳли луғати”;

“Ўзбек тили омонимлари луғати”.

Мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари йўналтирилсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

олий таълим муассасаларининг филология таълим йўналишларида **“Компьютер лингвистикаси”**, **“Амалий филология”** йўналишларини ташкил қилсин;

Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда хорижий олий таълим муассасаларида **ўзбек тили марказлари фаолиятини** йўлга қўйсин;

ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўринишдаги **ўзбек тили миллий корпусини** яратиш чораларини кўрсин;

Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **ҳар йили 1 декабрга** - қадар Дастурда ва Асосий йўналишларда белгиланган топшириқлар юзасидан амалга оширилган ишларни пухта таҳлил қилиш асосида Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда ўзбек тилидан жаҳоннинг етакчи хорижий тилларига ва хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилувчи **компьютер дастурини** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан яратиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тизимдаги ахборот-таҳлилий, маънавий-маърифий ва маданий-гуманитар телеканалларини хорижий давлатларда телерадиокомпаниянинг **OTT платформасини (Интернет тармоғи орқали теледастурларни намойиш этиш тизими)** Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **ишга тушириш** ва бошқа замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда намойиш этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг **“O'zbekiston”** телеканалида юртимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча мамлакат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини тарғиб қилувчи, мамлакатимизга оид ахборот-таҳлилий, маънавий-маърифий, маданий-гуманитар билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилувчи ва интеллектуал ҳамда бошқа маълумотларни хорижий тилларда

(Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар тилида) ёритадиган **“Do'stlik” ахборот-маърифий дастурлар тахририятини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, **“Do'stlik” ахборот-маърифий дастурлар тахририяти** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ажратилаётган бюджет маблағлари ва қуйи ташкилотларнинг мавжуд штат бирликлари доирасида ташкил этилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор ташкилотларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 январдан бошлаб марказий телеканалларда **“Тилга эътибор”**, **“Она тилида сўзлашамиз”**, **“Нотиқлик маҳорати”**, **“Тил – миллат кўзгуси”**, **“Китоб билим манбаи”**, **“Билимли ёшлар – келажак бунёдкори”** каби туркум кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил қилиб, мунтазам равишда эфирга узатиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни **молиялаштириш манбалари этиб** Давлат бюджети, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия таш-

килотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлари) ва грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

10. Қуйидагиларга:

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментига – Концепция ва Дастурни амалга ошириш ҳамда **Асосий йўналишларга эришиш** борасида давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига – Концепция, Дастур ва Асосий йўналишларда назарда тутилган тадбирларнинг **ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.**

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2020 йил 20 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИҲАРБИЙ ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ СИФАТ
ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда таълим жараёнини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқотларни ўтказиш;

таълим олувчиларни инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

3. Белгилансинки, Академия: давлат олий ҳарбий таълим муассасаси ҳисобланади; Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳр, банк ҳисобварағи ва хорижий валютадаги банк ҳисобварағи, штамп ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(Давоми. Боши
2-бетда).

Академияда таҳсил олиш учун 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб номзодлар Ўзбекистон Республикаси олий тиббий таълим муассасалари даволаш факультетларининг бешинчи босқичини ва тиббий-профилактика факультетларининг тўртинчи босқичини тамомлаган, ўқиш якунлари бўйича энг юқори натижаларни кўрсатган, ўқишини Ҳарбий тиббиёт академиясида давом эттириш ва келгусида контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ истагини билдирган, шунингдек, соғлигининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан танлаб олинади;

Академияда курсантларнинг мажбурий икки йиллик ўқиши икки босқичли ҳарбий тиббиёт ўқув дастури асосида: биринчи йил – бакалавриятда, иккинчи йил – Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича ҳарбий интернатурада амалга оширилади;

Академиянинг бакалаврият босқичини тамомлаган курсантларга дастлабки “тиббий хизмат лейтенанти” ҳарбий унвони ва “ҳарбий врач” мутахассислигини берадиган давлат намунасидаги диплом ҳамда ҳарбий интернатурани тамомлагач, наvbатдаги “тиббий хизмат катта лейтенанти” ҳарбий унвони ва тегишли мутахассислик берилганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилди;

Академиянинг ҳарбий тиббиёт ўқув дастури асосида таълим олган битирувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси олий тиббий таълим муассасалари даволаш ва тиббий-профилактика факультетларидаги ўқиши Академиядаги ўқишга тенглаштирилади;

тиббиёт соҳасидаги тор мутахассисликлар бўйича тиббиёт кадрлари Академиянинг клиник ординатура ва магистратурасида, илмий-педагогик кадрлар эса унинг докторантурасида тайёрланади;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳар-

бий клиник госпитали Академиянинг ўқув ва клиник базаси, шунингдек, асосий таъминот маркази ҳисобланади.

5. Академияга 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикасининг бошқа тиббий таълим муассасаларини битирган тиббиёт ходимларини тўлов-контракт асосида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга;

хукуматлараро битим ва шартномалар асосида хорижий давлатлар учун тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга рухсат этилсин.

6. Академия тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ҳарбий тиббиёт илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

санитария-эпидемиологик манбаларни, ҳодисаларни, омилларни ва биологик хавфсизлик тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишини илмий жиҳатдан ўрганиш, замон талабларига жавоб берувчи, биологик таҳдид-

ларга тезкор жавоб қайтара оладиган самарали тизимни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича изланишлар олиб бориш;

аҳоли ва шахсий таркибнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш, юзга келиши мумкин бўлган таҳдидларни таҳлил қилиш ва уларга қарши илмий асосланган мажмуавий тадбирларни ишлаб чиқиш, биологик хавфларни назорат қилиш тизимини мувофиқлаштириш;

биологик хавфсизлик соҳасида миллий кадрларни тайёрлаш ва соҳага оид илмий тадқиқотларнинг олиб борилишида ўқув-илмий марказ сифатида фаолият юритиш;

илмий асосланган ишланмаларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида қўшинларнинг тиббий таъминотини ташкил этиш тажрибасини ва мавжуд муаммоларни ўрганиш.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 22 октябрдаги ПҚ-4870-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясида ўқитиладиган мутахассисликлар (йўналишлар) РЎЙХАТИ

IV. Магистратура		
Гигиена (йўналишлар бўйича)	2 йил	Тиббий профилактика иши
Ҳарбий соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва менежменти	2 йил	Ҳарбий тиббиёт иши (даволаш иши) Даволаш иши
Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича)		
Терапия (йўналишлар бўйича)	3 йил	Ҳарбий тиббиёт иши (даволаш иши) Даволаш иши
Хирургия (йўналишлар бўйича)		
Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича)		
V. Докторантура		
«Ҳарбий тиббиёт»	3 йил	Тиббиёт фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) Тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Изоҳ: кадрларга бўлган талаблардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 22 октябрдаги ПҚ-4870-сон қарорига
3-ИЛОВА

Тиббиёт соҳасида ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Тадбирларнинг номи	Амалга ошириш механизми	Молия-лаштириш манбалари	Бажариш мuddати	Масъул ижрочилар
I. Норматив-ҳуқуқий базани яратиш					
1.	Илғор халқаро тажрибани, тиббиётнинг ривожланиш тенденцияларини ҳамда миллий тиббий таълим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўйидагиларни: 1) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси тўғрисидаги низоми; 2) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясига кредит-модуль (Moodle) ўқитиш тизимини татбиқ этиш ҳақидаги низоми; 3) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси курсантларининг бакалаврият, ҳарбий интернатура, магистратура ва клиник ординатура (резидентура) дастурлари асосидаги амалиёт ўташ тартиби тўғрисидаги низоми; 4) Бирлаштирилган клиник ва клиниколди имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми; 5) Давлат аттестация комиссиясига ташкилотлар – бюромачилар сафидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда бирламчи сертификатлаштириш билан бакалаврият, ҳарбий интернатура, клиник ординатура ва магистратура битирувчиларининг давлат имтиҳонларини ўтказишнинг янгиланган тартибини тасдиқлаш.	Ички идоравий ҳужжат		2021 йил 1 июлгача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов)
2.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясига ўқишга номзодларни саралаш ва танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	-	2021 йил 1 июлгача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов)
3.	Кўйидагиларни: биттирувчиларга кўйиладиган малакавий талаблар, ўқув режалари ва ўқув дастурлари; ҳарбий-тиббий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув вақти меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ички идоравий ҳужжат	-	2021 йил 1 июлгача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов)
4.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясининг инфратузилмаси ҳамда ўқув-моддий базасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	-	2021 йил апрель	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)

II. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси инфратузилмасини, ўқув ва моддий-техника базасини шакллантириш

5.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси инфратузилмаси объектларини барпо этиш.	Алоҳида режага асосан	Марказлаштирилган капитал қўйилмалар	2021 йил 1 майгача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
6.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясини замонавий ўқув воситалари ва жиҳозлари ҳамда лаборатория асбоб-ускуналари ва тренажёр комплекслари билан жиҳозлаш.	Тадбирларни амалга ошириш	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	2021 йил 20 августгача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахманов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)

(Давоми. Боши 3-бетда).

7.	Ҳарбий тиббиёт илмий-тадқиқот институти ҳамда Тиббий ўқув-машқ симуляция марказининг тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.	Чора-тадбирлар дастурига асосан	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	2021 йил 1 августгача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
8.	Илмий-тадқиқот ва виварийли экспериментал лабораториялар фаолиятини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар дастурига асосан	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	2021 йил 1 августгача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
9.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси учун замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар, шунингдек, белгиланган тартибда замонавий хорижий адабиётларни таржима қилиш ҳамда сотиб олиш.	Қўшма қарор	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	2021 йил 1 августгача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов)
10.	2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль (Moodle) стандартларига асосан ташкил этиш.	Қўшма қарор	-	2021 йил сентябрдан доимий	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов)
11.	Тиббиёт ва таълим соҳаларида миллий ва хорижий мутахассислар билан ҳамкорликни амалга ошириш. Бунда: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси ўқитувчи, илмий ва тиббиёт ходимларини етакчи хорижий таълим ва тиббиёт муассасаларида малакасини ошириш; етакчи миллий ва хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда маҳорат дарслари, маҳорат ва тажриба алмашинув ҳамда ўзаро илмий изланишларни амалга ошириш тизимини ташкил этиш; ҳарбий-тиббий кадрлар учун халқаро стандартлар даражасида семинар, вебинар, маҳорат дарслари ва симуляцион тренинглари ташкил этиш; етакчи хорижий ўқув муассасалари билан ҳамкорликда халқаро курсларни йўлга қўйиш.	Ҳамкорлик режалари	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар, «Эл-юрт умиди» жамғармаси	Доимий	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиллов), «Эл-юрт умиди» жамғармаси (А. Бекмуродов)
12.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясининг таълим ва илмий тадқиқот соҳаларида хизмат кўрсатишнинг Бутунжаҳон Халқаро бозоридаги рақобатбардошлик мавқеини ошириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ички идоравий ҳужжат	-	2020 йил 30 декабргача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов)
13.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари, илмий ва тиббиёт ходимларини «Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим дастурлари бўйича очик стипендия танловларида иштирок этишни таъминлаш ҳамда ғолибларнинг хорижда таълим олиши ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш.	Алоҳида режага асосан	-	Доимий	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), «Эл-юрт умиди» жамғармаси (А. Бекмуродов)
IV. Ҳарбий-тиббий илмни ривожлантириш					
14.	Мудофаа вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигирасмий веб-сайтларида ҳарбий тиббий таълим ва илмий ютуқларга бағишланган бўлимини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	-	2020 йил 30 декабргача	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков)
15.	Ҳарбий тиббиёт академиясининг курсант ва ўқитувчиларига жаҳон илмий-техник маълумотларидан иборат хорижий электрон ахборот ресурсларидан фойдаланишга шароит яратиб бериш.	Ташкилий тадбирлар мажмуи	Бюджет маблағлари		
16.	Илмий-амалий таълимга йўналтирилган «Ўзбекистон ҳарбий тиббиёт журнали»ни (шу жумладан, электрон кўринишда) ташкил этиш.	Ташкилий-амалий тадбирлар	Бюджет маблағлари	Ҳар чоракда	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиков), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахманов)
17.	Бажарилаётган илмий изланишлар сифатини яхшилашни кўйидагилар орқали амалга ошириш: Scopus, Web of Science, Thomson Reuters ва бошқа тизимларга кирувчи илмий журналларда халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда илмий изланишлар натижаларини нашр этиш ва маълумотлар базасида жойлаштирилишини ташкил этиш; Scopus, Web of Science, Thomson Reuters ва бошқа нашрлар маълумотлар базасига тиббиёт ва фармацевтика соҳасига тегишли бўлган миллий илмий журналлар материалларининг кириши учун шароитлар яратиш.	Ташкилий тадбирлар мажмуи	Бюджет маблағлари	Доимий	Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов)

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 22 октябрдаги ПҚ-4870-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси контракт бўйича ҳарбий хизматчиларининг эгаллаб турган лавозимлари бўйича асосий ҳарбий унвонлари ва тариф разрядлари РЎЙХАТИ

Т/р	Лавозимларнинг номи	Ҳарбий унвон	Тариф разряди
1.	Академия бошлиғи	генерал-майор	21
2.	Академия бошлиғининг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари	полковник	20,3
3.	Академия бошлиғининг инновация ва илмий ишлар бўйича ўринбосари	полковник	20,3
4.	Ўқув-методик бўлим бошлиғи	полковник	20,1
5.	Марказ бошлиғи	полковник	18,1
6.	Институт бошлиғи	полковник	20,2

(Давоми. Боши 3,-4,-бетларда).

7.	Илмий-тадқиқот лабораторияси бошлиғи	полковник	18,3
8.	Илмий-тадқиқот лабораторияси катта илмий ходими	подполковник	16,3
9.	Факультет бошлиғи	полковник	20,1
10.	Кафедра бошлиғи	полковник	20,1
11.	Кафедра бошлиғи ўринбосари	полковник	19,3
12.	Катта ўқитувчи	полковник	18,3
13.	Ўқитувчи	подполковник	17,4
14.	Курс бошлиғи	полковник	18,1
15.	Инновация ва илмий бўлим бошлиғи	полковник	18,3
16.	Олий таълимдан кейинги таълим бўлими бошлиғи	полковник	20,1
17.	Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи	полковник	18,1
18.	Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими бошлиғи	подполковник	18,1
19.	Молия, юридик, кадрлар ва саф бўлими бошлиғи	подполковник	17,1

Мутахассис маслаҳати

ҚОН ҚУЮҚЛАШИШИ ВА ОҚҚОН КАСАЛЛИКЛАРИ ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?

Лейкозни даволаш учун нега кўп маблаг сарфланади? Ўзбекистонда донорлик ишлари қандай ташкил этилади, беморлар учун қон захираси етарлими? Қон қуюқлиги қандай оқибатларга олиб келади? Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида тиббиёт фанлари доктори Абдурахмон Қаюмовга мурожаат қилди.

– Коронавирусга чалинган беморларнинг ахvoli қон қуюқлашиши оқибатида оғирлашмоқда. Аслида қон қуюқлигининг инсон саломатлигига қандай таъсири бор?

– Айрим ҳолатларда хасталик ёки ташқи омиллар сабаб қоннинг таркиби бузилади ва унинг керагидан ортиқ қуюқлашиб кетиши ёки, аксинча, суюқлашиб кузатилади. Қоннинг қуюқлашиши томирларда қон айланишининг бузилиши ва тромбозлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, инсульт ва инфарктага чалиниш эҳтимолини орттиради. Қон таркибининг суюқлашиши эса қон кетиши, бемор танасида кўкариш ва қон талашлар пайдо бўлишига олиб келади. Икки ҳолатда ҳам тезда тиббий эҳтиёт чораларини кўриш зарур.

– Оғир хасталар ва қутилмаган бахтсиз ҳодисага учраган шахсларга доим ҳам донор қони топилавермайди. Умуман, мамлакатимизда беморларга қон қуйиш ишлари, қон захираси ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Қон захирасига бўлган талаб ҳамisha юқори бўлган. Шу боис, қон топшириш акциялари тез-тез амалга оширилади. Албатта, бу амалиёт кимларнингдир ҳаётини сақланиб қолинишига сабаб бўлади. Мана шундай тарғибот-ташвиқот ишларини кўпайтириш, оммалаштириш керак.

Лейкоз билан касалланган беморларга ёки камқонлиги бўлган бемор болаларимизга кўп миқдорда қон компонент-

ражада қимматми?

– Ҳозирги кунда лейкоз касаллигининг диагностикаси молекуляр-генетика кўрсаткичлари билан биргаликда унинг мониторинги ҳам амалга оши-



лари талаб этилади. Шунинг билан бутун Ўзбекистон халқига донор бўлинг, деб мурожаат қилгим келади. Фавқуллодда ҳолатларда қон компонентлари Республика, вилоят ва шаҳар қон марказлари захираларидан таъминланади. Донорларнинг қони билан яна заҳира тўлдирилади.

– Оққон касаллигининг қайталаниш сабаблари аниқланганми?

– Лейкоз қайталанишининг аниқ сабаблари номаълум. Лекин давога тўлиқ риоя қилмаган беморлар орасида бундай ҳолат кўп учрайди. Баъзи ота-оналар тиббиётга ишонмай табибга мурожаат қилади. Натижада қимматли вақти беҳуда соврилиб, касаллик оғирлашади ва ўта оғир аҳволда шифохонага ётқизилади.

– Ижтимоий тармоқларда лейкоз билан оғирган беморларнинг дори-дармони учун хайрия уюштириш борасидаги эълонларга кўп бора кўзимиз тушган. Айтинг-чи, лейкозга даво сифатида ишлатилган препаратлар шу да-

рилади. Бу янги, замонавий, юқори технологик даво усуллари қўллаш талаб этади. Ушбу даво усулида дори воситалари – цитостатикларни қўллашга тўғри келади. Шу боис ҳам онкогематологик касалликларни даволаш бутун дунёда катта маблаг талаб этади.

Бутун дунёда онкогематологик бемор болаларни даволашда ҳомийлар, волонтерлар, турли нодавлат жамғармалар маблағлари жалб этилади.

Бундан ташқари кимётерапия муолажаларидан сўнг беморга кўп миқдорда қон компонентлари – эритроцитар масса, тромбоцитлар, янги музлатилган плазма керак бўлади. Шу билан бир қаторда бошқа органларда касалликлар келиб чиқилишининг олдини олишга қаратилган, шунингдек, бактерия, вирус ва замбуруғларга қарши қаратилган профилактика даво терапиясини амалга оширишга тўғри келади. Булар ҳам ўз навбатида катта маблаг талаб қилади.

СТЕРИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УСКУНАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш доирасида давлатларнинг COVID-19 оқибатларини юмшатишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизга дезинфекция ускуналари етказиб берилди. Бу кўмак Кимёвий, биологик, радиологик ва ядро хавфларини минималлаштириш бўйича Европа Иттифоқининг Илғор тажриба марказлари ташаббуси доирасида тақдим этилди.

Қарийб 100 минг евро қийматидаги ускуналар тиббиёт ва лаборатория хоналарини тез деконтаминация қилиш учун мобил қурилмалардан иборат.

Ускуналарни топшириш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси бошлиғи ва Кимёвий, биологик, радиологик ва ядро хавфларини минималлаштириш бўйича Европа Иттифоқининг Илғор тажриба марказларининг Марказий Осиё бўйича Минтақавий қўмитаси раҳбари Бахтиёр Фуломов халқаро ташкилотларнинг кўмаги коронавирус пандемиясига қарши курашда биологик ҳимоя ва хавфсизликни таъминловчи муҳим омил эканини қайд этди.

– Тиббиёт ва лаборатория муассасаларида меҳнат қилаётган фуқаролар COVID-19 пандемиясига қарши илк ҳимоя линиямиз ҳисобланади, – деди Европа Иттифоқи Делегациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлари вакили Юсси Нарви. – ЕИ томонидан тақдим этиладиган ускуналар бу инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, ушбу линияни кучайтиради.

ЕИ томонидан молиялаштирилиб, Европа комиссияси ва БМТнинг Жиноятчилик ва одил судлов масалалари бўйича минтақаларо илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида дунёнинг 61 мамлакатига амалга ошириладиган ташаббус Марказий Осиёдаги ҳамкор мамлакатларнинг Кимёвий, биологик, радиологик ва ядро таҳдидлари, жумладан коронавирга қарши курашишдаги салоҳиятини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатди.

– Кимёвий, биологик, радиологик ва ядро хавфларини минималлаштириш бўйича Европа Иттифоқининг Илғор тажриба марказларининг Марказий Осиё бўйича Минтақавий қўмитаси ҳатто инқирознинг авж палласида ҳам ишлади, – деб қайд этди Бахтиёр Фуломов.

– P53 Лойиҳаси доирасида тақдим этилган ускуналар мисолида кўрсатилганидек, ЕИ ёрдамнинг оширилиши, аниқроғи Марказий Осиё ҳамда Жануби-Шарқий ва Шарқий Европада коронавирга қарши курашда салоҳиятини ривожлантириш учун 2 миллион евродан ортиқ маблагнинг ажратилиши бу борадаги натижалардан бири бўлди. Пандемия шароитида Марказий Осиё минтақаси ўзининг бирдамлигини исботлади, бу минтақада ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва минтақаларо фаолиятга ижобий таъсир кўрсатди.

“Madad Co Ltd” МЧЖ ҚҚ бош директори Дилором Хушбекованинг сўзларига кўра, дунёда муқобили бўлмаган бу каби ускуналарнинг Ўзбекистонга тақдим этилиши келгусида мамлакатда биологик хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшади.

Ўзбекистонга ускуналарнинг тақдим этилиши - ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ушбу мамлакат ва минтақанинг биологик ҳимояси ва хавфсизлигини кучайтиришга нечоғли хизмат қилаётганининг ажойиб мисолидир. Ускуналар Ўзбекистон Республикаси радиация хавфсизлиги соҳаси мутахассисларини тайёрлаш марказига мамлакатимизда коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олиш учун ундан соғлиқни сақлаш тизимида фойдаланиш мақсадида тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги
давлат қўмитаси матбуот хизмати.

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2021 йил обун мавсуми бошланди. Республика- миз тиббиёт тизимида амалга ошириладиган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунинг- дек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обун бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Сфера здравоохранения

ТОЧНАЯ ДИАГНОСТИКА И ЭФФЕКТИВНОЕ ЛЕЧЕНИЕ

Ежегодно в мире выявляется более десяти миллионов случаев онкологических заболеваний. Это означает, что ежедневно около 27 тысяч человек узнают о наличии в собственном организме злокачественной опухоли. При этом до восьми миллионов жителей планеты, что составляет 13 процентов от общего числа смертных случаев. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения, в ближайшие 5–7 лет онкологические заболевания станут едва ли не главной причиной роста смертности среди людей.



Исходя из складывающейся ситуации в нашей стране реализуется ряд государственных программ по реформированию здравоохранения, созданию целостной системы оказания онкологической медицинской помощи населению. В настоящее время в республике реализуются меры по оснащению профильных учреждений современным высокотехнологичным оборудованием. При поддержке правительства формируется современная научная школа подготовки профессиональных кадров, внедряются передовые методы диагностики и лечения, совершенствуется система профилактики онкологической патологии, развивается международное сотрудничество, что позволило в разы увеличить выявление больных на ранних стадиях заболевания.

Эти и другие важнейшие вопросы обсуждались участниками состоявшегося в Ташкентском областном филиале Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии Совета онкологов, посвященного итогам работы за прошедшие девять месяцев 2020 года и 2019 год. Вел его работу заместитель начальника Ташкентского областного управления здравоохранения Абдуллаев Низом Хайруллаевич.

В мероприятии также участвовали онкологи, онкогинекологи, хирурги, цитологи, эндоскописты, рентгенологи со всех районов и городов региона, руководители районных медицинских объединений, за-


ведующие многопрофильными центральными поликлиниками. Было отмечено, что в стране реализуются целенаправленные меры в рамках постановления главы нашего государства от 4 апреля 2017 года "О мерах по



дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы". К примеру, в Ташкентской области создана эффективная система профилактики и раннего выявления онкологических заболеваний среди населения, внедрения передовых методов диагностики и лечения, укрепления материально-технической базы и кадрового потенциала. За последние годы значительно улучшен доступ населения к высокотехнологичным услугам, растет уровень обеспеченности

медицинских учреждений лекарственными средствами, реагентами и расходными материалами, модернизируется материально-техническая база онкологических учреждений на основе строительства, реконструкции и капитального ремонта, оснащения (дооснащения) медицинским оборудованием, инструментами и инвентарем.

– На сегодняшний день в Ташкентской области проживает свыше двух миллионов 900 тысяч человек, – говорит главный онколог области, директор областного филиала Республиканского специализированно-



компании "Karl-Shtorz" стоимостью 65 тысяч евро. В свое время АКБ «ASIA ALLIANCE BANK» предоставил передовое цистоскопическое оборудование стоимостью 48 тысяч евро. Также успешно используются медицинские приборы от ведущих брендов мира "Fujinon", "Olympus" и "Drager" и другие, что дает возможность проводить на высоком уровне различные виды обследований и терапии. Отметим, что на базе лечебного заведения одними из первых в стране открылись хирургическое отделение "Комбинированного лечения" и "Амбулаторной химиотерапии". Благодаря этому врачи заранее выявляют наличие опухоли, увеличивают количество эффективных методов лечения, сокращают показатели смертности среди больных.

На базе областного филиала также проводятся научные исследования в области эпидемиологии рака и молекулярного механизма развития злокачественных опухолей, разрабатываются отечественные противоопухолевые препараты.

В ходе интересной и насыщенной беседы заведующий приемным отделением Кибрайского районного медицинского объединения Нурлан Мирзабоев поведал о том, что за последние годы значительно улучшилось материально-техническое обеспечение и по месту его работы. При поддержке областного хокимията регулярно поступают современные виды диагностического оборудования и приборов, мебели и медикаментов для службы экстренной медицинской помощи. А это немаловажно для жителей отдаленных населенных пунктов Кибрайского района.

По итогам Совета онкологов его участники дали положительную оценку проделанной за отчетный период работе, выявили имеющиеся недостатки, определились с целями и задачи на будущее.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фото автора.

кафедра "Челюстно-лицевой хирургии" Ташкентского государственного стоматологического института. Всего о здоровье пациентов проявляют заботу 77 врачей. В их числе шесть докторов и десять кандидатов медицинских наук, 19 врачей высшей категории. Согласно утвержденному плану они регулярно проводят медицинские осмотры и консультации в отдаленных населенных пунктах региона.

Ежегодно сюда за помощью обращаются тысячи пациентов, страдающих раком молочной железы, желудка, легких и другими видами злокачественных опухолей. На основе диагностических данных им оказывается медицинская помощь в форме хирургического вмешательства, лекарственной и лучевой терапии. В процессе комплексного лечения используются современные препараты.

При финансовой поддержке Министерства здравоохранения в диспансере проведен капитальный ремонт зданий лечебно-диагностического отделения и кухни. Приобретено современное эндоскопическое оборудование, аппараты искусственной вентиляции легких, электрокоагулятор, электровакуумные насосы, контрольные мониторы. Благодаря спонсорской поддержке АО "АГМК" филиал оснащен современным лапароскопическим оборудованием от немецкой

го научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии Абдулла Абдирахимов. – Для профилактики и стационарного лечения заболевания только в нашем диспансере имеется 240 койко-мест, работает консультативная поликлиника и диагностические лаборатории. Всего по области помимо нас существуют онкологические кабинеты в 19 районных и городских многопрофильных центральных поликлиниках.

Обойдя областной филиал мы воочию убедились, что здесь осуществляют деятельность кафедра "Онкологии" ТашиУВ и

Мутахассис тавсияси

АҚЛ ТИШЛАРИНИ ОЛИШ ШАРТМИ?



Ақл тишлари ҳаммада чиқадими? Шу ҳақда аниқроқ маълумот берсангиз. Нима учун кўп ҳолларда уни олиб ташлашади? Ирода БОИРОВА.


Ҳар бир инсонда 32 та тишнинг ўрни бор. Лекин сўнгги пайтларда одамзотнинг юз-жағ тузилишининг кичрайиб бориши сабабли айрим пайтларда ақл тишининг ўсишига ўрин қолмайди. Бунинг натижасида ақл тишлари ётган ҳолда чиқади.

Баъзан бир умр чиқмаслиги ҳам мумкин. Чунки, улар суяк ичида ётиб қолади. Вақт ўтиб, маълум бир тишлар олингач, ҳаттоки, олиб қўйилувчи протез тиш қўйганда ҳам ақл тиши чиқиш ҳолати кузатилган. Агар ақл тиш қаторидан қийшиқ чиқса, дейлик,

ён қатори, юз ёки тил томонга қараб чиқса, ўша атрофдаги тўқимага зиён етказди. Оқибатда милқда қизариш, йиринглаш, ёқимсиз хид таралиш ҳолати юзага келади. Бундай ҳолатда, ақл тиши, албатта, олиб ташланади. Чунки, у чайнаш жараёнида қатнаша олмайди. Халқ орасида ақл тишлар кўпинча нотўғри чиққани учун барибир, тез емирилиб кетади, керакмас тиш деган тушунча мавжуд. Борди-ю,

ақл тишлар тўғри чиқса, уларни ҳам даволаб, яна фаоллигини тиклаш мумкин. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам, албатта, шифокор билан маслаҳатлашишни унутманг.

Ўктам КАРИМОВ,
олий тоифали
стоматолог.



Тухфа

КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН ИННОВАЦИОН КЛИНИКА

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида яқинда иш бошлаган инновацион клиникада кўз касалликларини тиббиётнинг энг сўнгги услубида даволаш ва мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти яратилган.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида ўтказилган мажлис баёнига асосан барпо этилган офтальмология ва диагностика шифохонасининг лойиҳа қиймати 11 миллиард сўмни ташкил этди.

Ушбу клиникада телемедицина маркази ҳам ташкил қилинган бўлиб, эндиликда аҳолининг узогини яқин қилган ҳолда чет эллик малакали ши-



фокорлар билан ҳамкорликда тажриба алмашиш ишлари олиб борилади.

Офтальмология ва диагностика, стоматология, ЛОР комбайн, гинекология-видеоскопия, кардиология, ЭКГ, УТД хизматлари кўрсатилади. Бу ерда мавжуд замонавий технологик ускуналар АҚШ, Япония ва Германия давлатларидан олиб келинган. 10 нафар малакали шифокор ва 18 нафар ишчи ходим беморлар саломатлиги учун масъул.

Замонавий кўринишдаги бундай клиникалар халқимизга кўп йиллар давомида самарали хизмат қилишига шубҳа йўқ.

ЎЗА.

Меҳр-саховат



Пойтахтимизда Яккасарой тумани ҳокимлиги, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан «Шоҳжаҳон» маҳалласида яшовчи нуруний отахону онахонлар учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

МАҲАЛЛАДА ТИББИЙ КЎРИК



Тадбир мобайнида мутахассислар томонидан кексалар орасида соғлом турмуш тарзи ва жисмоний тарбия билан шуғулланишни тарғиб қилинди. Йод танқислиги ва бошқа касалликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида «Репродуктив саломатлик», «Соғлом овқатланиш», «Йод танқислиги касалликлари» мавзусида давра суҳбатлари ҳам ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

Мутахассис маслаҳати

БОЛАЛАРДА БУРУН БИТИШИ ВА ҚУЛОҚ ОҚИШИ ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?

– Болаларда кулоқ, томоқ, бурунда туғма ва орттирилган нуқсонлар юзага келиши ҳолатлари кўпайиб борапти. Бунинг сабаби нимада?

– Тўғри айтасиз, болаларда кулоқ, томоқ ва бурунда учрайдиган туғма ёки орттирилган нуқсонларнинг олдини олиш ва самарали даволаш тиббиётнинг доимий муаммоси ҳисобланади. Чунки бугунги кунда сайёрамиздаги ҳар минг нафар чақалоқдан иккитаси ана шундай туғма нуқсон билан дунёга келади. Қолаверса, соғлом туғилган болалардан ҳам ҳар минг нафаридан ҳеч бўлмаса 2-3 таси бир ёшга киргунча йиқилиб турли жароҳатлар олади. Нотўғри дори-дармон истеъмол қилиши, грипп ва ўткир респиратор вирусли касалликлар натижасида эшитиш аъзоларида нуқсонлар пайдо бўлади. Халқимиз тилида тумов, тиббиётда ринит деб юритиладиган касалликнинг сурункали шакли бугун кўп

учрамоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида шуни аниқладикки, беморларнинг саксон фоизидан бу касалликка бурундан бошқа аъзолар, масалан, бурун атрофидаги бўшлиқлар шамоллаши, бурун тўсиғи қийшайиши, қолаверса, жигар, буйрак, ошқозон-ичак касалликлари ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари, ҳаводаги чанг-ғубор ва турли ўткир ҳидлар ҳам нафас йўлларида аллергия муаммолар келтириб чиқариб, тумовга олиб келиши мумкин. Бурун битиши ва кулоқ оқшининг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларига тўхталадиган бўлсак, бурун тўсиғи деформацияси, аллергия ҳолатлар, димогбези катта бўлиши, шунингдек, гижжалар ҳам бурун битишига олиб келиши мумкин. Болаларнинг юзи ёки баданида оқ доғлар бор-йўқлигига эътибор қаратиш зарур. Сўлаги оқса, киндик атрофида оғриқдан шикоят қилса, болани дарҳол мутахассислар кўригига йўллаш тавсия қилинади. Кулоқ оқиши эса отит, яъни ўрта кулоқ яллиғланиши белгиси бўлиши мумкин. Бу касаллик катталарга қара-

ганда болаларда оғирроқ кечади. Ушбу хасталик юқори нафас йўллари яллиғланиши билан кечадиган юқумли касалликлар – грипп, қизамиқ, скарлатина сабаб юзага келиши мумкин. Касалликни ўз билганича даволаш, кулоққа ҳар хил ёғлар томизиш, кулоқни қовлаш кулоқ пардасига зарар етказиши мумкин. Бемор, албатта, ЛОР шифокори назорати остида даволашни мақсадга мувофиқ. Касаллик қайталанмаслиги учун совуқ қотиш ва шамоллашдан эҳтиёт бўлиш керак. Болани чўмилтираётганда сув кирмаслиги учун кулоғига вазелинли пахта тиқиш керак. Аксарият оналар бундай вазиятда боланинг кулоғига пахтанинг ўзини тиқади. Ҳолбуки, пахта сувни ўзига шимиб ичкарига ўтказиши. Бу бола соғлиги учун жуда зарарли. Кулоқдаги оғриқ ёки суюқлик ажралиши билан кечадиган касалликлар



ўз вақтида даволанмаса, менингит, сепсис, ҳатто мия тўқимаси абсцесси каби оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Шу боис, боланинг кулоғи оқишига бепарқ қараб бўлмайти.

Шавкат АМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган соғлиқни сақлаш
ходими, тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1032 нусха.
Буюртма Г-1050.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр КҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.